



Улуғбек ЙЎЛДОШЕВ

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

yoldoshevu@mail.ru

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА САТИРА ВА ЮМОР

Мақолада тилшуносликда таъсирчанликни ифодалашда ишлатиладиган ўзбек фольклорининг муҳим жанрларидан бўлган сатира ва юморнинг тил хусусиятлари ўрганилган. Кулгининг турларини амалга ошириш илмий изланишлар натижаларига асосида таҳлил қилинади.

В данной статье рассматриваются сатира и юмор, которые считаются самыми важными жанрами в узбекском фольклоре, и их эффективное использование в лингвистике. Тип юмора анализируется по результатам различных научных исследований.

The article deals with satire and humor which are one of the most important genres in Uzbek folklore used in expressing effectiveness in linguistics. Types of humor are analyzed according to results of various researches.

Калит сўзлар: фольклор, жанр, сатира, юмор, комик, комедия, қизиқчи, ҳажвий улги, станъат, ҳажвий матн, монография.

Ключевые слова: фольклор, жанр, сатира, юмор, комические, комедия, джокер, комический юмор, искусство, комический текст, монография.

Key words: folklore, genre, satire, humor, comic, comedy, joker, comic humor, art, comic text, monograph.

Фольклорнинг барча жанрлари турлишакларда ва муайян меъёрда халқ сатираси ва юморини ўзида акс эттиради. Баъзан у асарнинг бутун йўналишини белгилаб берса, баъзан турли комик элементлар сифатида асар мазмунига сингиб кетади. Шунга кўра, ҳар бир жанрда сатира ва юморнинг ўз ўрни, қўллаш табиати мавжуд. Халқ сатираси ва юморининг умумий принциплари бир хил бўлса-да, улар тасвир воситаларининг ўзгариб туриши табиийдир.

Халқ ижодида сатира ва юморнинг яратилиш йўллари, усул ва умумий принципларини текшириш учун, аввало, ҳар бир жанрдаги сатира ва юморнинг тасвир воситалари, ишлатилиш ўрни ва вазифаларини аниқлаб олиш зарур.

Санъатшунос олим М. Қодировнинг «Ўзбек халқ оғзаки драмаси», «Масхарабоз ва қизиқчилар санъати» каби монографияларида ўзбек халқи орасида кенг тарқалган оғзаки сатирик ва юмористик комедиялар атрофлича таҳлил қилинган, шу хил комедияларнинг мавзуси, ундаги ижтимоий масалалар тўғри ёритилган ва уларнинг миллий хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Сатира ва юмор масаласига оид айрим назарий фикрлар ўртага ташланиб, қизиқчилар ва масхарабозлар маҳорати таҳлил этилган. Ўзбек халқ театри тарихини ўрганишга бағишланган бу тадқиқотлар илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Фольклоршунос М. Саидовнинг «Малика айёр» достонини тадқиқига бағишланган ва «Ўзбек халқ достончилигида бадий маҳорат» деб номланган монографиясида ҳам сатирик ва юмористик образлар хусусида сўз боради. Олим фольклордаги ҳажвийлик (комизм)ни ҳолат ва характер комизмига ажратиб ўрганади.

Ҳақиқатан ҳам кулги ҳаётдати ижтимоий қарама-қаршиликлар натижасида юзага келади. У ўз моҳиятига кўра ижтимоий характерга эга, унинг негизида фақат кулги ётади. Жамиятнинг илғор тушунчалари, фикр ва идеалларига тўғри келмаган, унга қарши бўлган иарсаларнинг ҳаммаси халқ оммаси учун ҳажвий маъно касб эта олади. Ҳажвий кулги танқиднинг энг ўткир формаларидан бири ҳисобланади. Жамиятнинг илғор кучлари ҳолат, воқеа, ҳодиса устидан кулганда, уни тузатиш ёки йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Кулги қанча асосли бўлса ва кучли жарангласа, танқид шунча зўр ва ўткир чиқади. Кулги қандай шаклларда бўлмасин, у ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ ҳаёт воқелигидан келиб чиқади, ундаги ярамас иллатларни фош этади, уларни йўқотишга ёрдам беради. Шу хусусиятлари боис эстетик ҳажвий кулги сатира ва юмор шаклларида намоён бўлади.

Халқ сатираси фольклорда ҳам узоқ асрлар давомида сиёсий, ахлоқий, эстетик идеалга тўғри келмайдиган барча нормаларни салбий образлар орқали фош этиб келди. Фош этувчи, қамчиловчи, қаҳр-ғазабли кулгига эга бўлган кўп қиррали халқ сатираси ўзида акс эттирилаётган ҳатти-ҳаракатлари воқеликни қоралайди ва унга ўз идеалини зид кўяди. Чунки унда сўз айрим камчиликларни тузатиш ҳақида эмас, балки зарарли, ҳатто мудҳиш ҳодиса ва воқеаларни йўқотиш ҳақида ҳам боради. Шунинг учун ҳам унинг куч-қудрати зўр. Гоголь сўзи билан айтганда, “унинг олдида айбдор ўзини худди боғланган куёндек хис қилади”(2, 867).

М. Афзаловнинг «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида» монографиясида ҳам ҳаётий сатирик эртакларнинг мавзулари, уларнинг асосий мотивлари мисоллар орқали таҳлил қилинган. Ҳаётий-сатирик эртакларда халқ оммаси ҳаётидаги жуда кўп ижобий жиҳатлар тарғиб этилади, ҳаётдаги нодонлик асосида кўрилган одатлар қаттиқ танқид қилинади. Халқ текинхўрни у қайси тоифадан бўлмасин қоралайди ва сатира нишонига олади. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолларда асар персонажи камбағаллардан бўлса ҳам, у меҳнатни севмаса, дангасалик қилса, сатира тиғи остига олинади.

Адабиётшунос Ҳ. Раззоқовнинг Фарғона материаллари асосида ёзилган «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор» монографияси ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф мазкур мавзунини Фарғона худудида яратилган материаллар асосида ёритишга ҳаракат қилган. Асарда сатира ва юмор, уни юзага келтирувчи усул ва воситалар, уларнинг тил хусусиятлари, ижтимоий мазмуни, эпик-комик қаҳрамонлар масаласи халқ сайиллари, тўй-базм, маърака, турли мавсум ва маросимлардаги одатлар, меҳмонхона, гап-гаштак ўйинлари ҳақида сўз боради.

Юмор ва сатира кулгилиликнинг турли кўринишларидир. Улар ҳар қайсисининг ўз компонентлари бор. Ҳажвнинг бу кўринишлари орқали ҳаётдаги ярамас ҳолатлар, кишилардаги нуқсонлар қаттиқ танқид қилинади.

Н. Г. Чернишевский ўзининг бир қанча мақолаларида комизм, кулги, юмор, сатира ва уларнинг компонентлари ҳақида жуда аниқ фикрларни баён этган. Жумаладан, «Санъатнинг борлиққа эстетик муносабати» асарида: «Комизмнинг моҳияти ҳақиқий аҳамият ва мазмун даъво этувчи ички бўшанглик ва бемаъниликдир»(3, 185–187), дейди. Ички бўшанглик ва ақлсизликнинг кўп учрайдиган шаклларида бири аҳмоқликдир. Аҳмоқлик эса «Кулгимизнинг бош предмети, комизмнинг бош манбаидир»(4, 185–187).

Ҳақиқатан ҳам комизм объектив яшовчи ҳодиса. Инсон ўз кундалик ҳаётида доимо у билан учрашиб туради. У турли кўринишларда намоён бўлади. Цитатабозлар, ваъдабозлар ва бошқалар, умуман, жамият ривожланишига тўсқинлик қилувчи барча иллатлар баъзан юморга, баъзан сатирага замин бўлиб туради. Санъаткорнинг вазифаси шулардан энг муҳимларини топиш ва уни маҳорат билан акс эттириш, умумлаштиришдир. Шундагина у ҳақиқий ва ишончли бўлади.

Комизм ижтимоий ҳодисадир. Инсон ва инсоннинг ҳаёти комедия ва трагедиянинг ҳақиқий ҳукмрон мавзуси. Ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Лекин баъзилар борки, улар бирор мансабга кўтарилгач, ўз фикрини яшириб, айёрлик йўлига ўтиб оладилар ва кулгили ҳолга тушиб қоладилар. Ўзбек халқ дostonларида бундай типларни жуда кўп учратиш мумкин. Бунга мисол қилиб

«Малика айёр» достонидаги Асад ва Шодмон мерган образларини кўрсатиш мумкин. Улар Аҳмад Сардор каби иияти бузук, ўйлагани доим шумлик бўлганларнинг тузоғига илинадилар ва ниятлари бузилиб, Авазхон Торкистон шахрига келгандан сўнг орқасидан тушадилар. Даставвал уни йўлда ўлдирмокчи бўладилар, лекин Малика айёрни олиб келишга кўзлари етмагач, уни ўлдирмайдилар ва у билан ҳамроҳ бўлиб Торкистонга жўнайдилар, йўлда душман Мақотилнинг ўлигини кўриб, кўрқиб кетадилар. Улар Авазхоннинг «Бу ётган ўлик» деган сўзидан кейингина ўзларига келадилар. Лекин шундай бўлса-да, Авазхондан ўзларини юқори тутишга ҳаракат қиладилар ва унга «...бизлар билан бирга юриб, урушнинг тартибидан таълим олсанг, бизлардай бўлиб қоласан экан», – дейдилар.

Ҳажвнинг таркибий қисмларидан бири юмордир. Юморни севган кишилар назокатли, таъсирланувчи, идрокли, беғараз бўлишлари лозим, ҳар бир икир-чикир, аянч аҳвол, арзимас нарса, тубанлик каби ҳоллар бундай кишилар назаридан четда яшириниб қолмаслиги керак. Бундай кишилар шу каби жуда кўп нуқсонларнинг ўзларида ҳам борлигини сезадилар. Юморга мойил бўлган одам ўзининг ички хислатларини яхши англаган ҳолда, ўзининг ким бўлишидан қатъи назар ўзида, характерида мавжуд бўлган майда-чуйда нуқсонлар, фойдасиз уринишлар, кўлгили ҳоллар, тубан хатти-ҳаракатларнинг ҳаммасини жуда яхши сезадилар»(4, 290).

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Равшан» достонида айтилишича, Равшан Ширвон шахрига етиб боргач, бозорда Зулхумор ва унинг канизакларини кўриб, мурожаат қилади:

Баринг кўшкидан тушинглар,
Бир-бирингман хўшлашинглар,
Қадрдонинг эргашинглар,
Бизнинг отга мингашинглар,
Журинглар, Чамбил кетамиз,
Туринглар, Чамбил кетамиз.

Равшанбек «бизнинг билан қайсинг борасан», деб қизлардан сўраб, бир кўлини кўтариб , ҳа деб чақира борди:—Келинлар-чи, келинлар, дарров тезроқ бўлинглар! Ҳа, тез бўлинглар, дарров келинлар! Унда ҳамма қизлар кулаётир, ҳаммаси мазақ, калака қилаётир»(5, 35).

Қизлар Равшанни девона, тентак деб, унинг устидан кула бошлайдилар. Бу билан дostonчи Равшанни масхараламокчи ёки танқид қилмокчи эмас. Равшаннинг бундай кулгили ҳолга тушиб қолишига сабаб шуки, у Зулхуморга

ўз гапани осонгина ўтказмоқчи, уни ҳеч қандай қийинчиликсиз Чамбилга олиб кетмоқчи бўлади. Худди шу вазиятда ўзи кулгили ҳолга тушиб қолади.

Демак, ўзбек халқ дostonларидаги кулгили вазиятлар дostonчининг атайлаб ишлатадиган усули бўлиб, уни ижро этаётган вақтда тингловчиларнинг диққатини тортиш учун жуда қўл келади. Албатта, бундай эпизодлар олдиндан ўйлаб қўйилган бўлади. У ижрочининг истеъдодига боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

Халқ комизмининг таркибий қисми бўлган юмор, сатира ва уларнинг компонентлари ўзбек халқ дostonларида турли ўринларда, турли кўринишларда намоён бўлади. Бу эса халқ дostonларининг бадиийлигини оширади, халқчиллигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодиров М. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. – Тошкент, 1963.
2. Гоголь Н. О литературе. – М., 1952.
3. Ашуrow Т. Ўзбек халқ дostonларида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1974.
4. Чернышевский Н.Г. Собрание сочинений в 5-ти томах. – М., 1974.
5. Равшан. – Тошкент, 1954.
6. Сайимов Б., Мўминов Ғ. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981.